

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

5. йил чиқиши.  
4 АПРЕЛЬ 1970 й.  
ШАНБА  
№ 80 (1148).  
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

11 АПРЕЛЬ—КОМУНИСТИК ШАНБАЛИК

## ИЛЬИЧГА САДОҚАТ

«Учқун» туқмаччилик-галатерия фирмаси коллективи В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбалик кизгин тайёргарлик қилади.

Корхона цехларида эса меҳнат авжиди. Ишчилар юбилей йили биринчи квартал топиригини 22 апрелда бақариш, шу даврда беш ярим миллион сўмлик маҳсулот

реализация қилинишига эришиш учун ғайрат кўрсатиб, ишламоқдалар. Шунингдек, улар ички резервларни қидириб тоймоқдалар, тежамкорлик ва самардорлик учун курашмоқдалар. Бунинг боси равшан албатта. Ахир корхона коллективи 11 апрель кунини фақат тежалган хом ашё эвазига ишлашга аҳд қилган-дано.

Хўш, фирмада меҳ-

нат ва санъат байрами қандай ўтади?

— Биз ишчилар бунга катта тарафдор бўлишимиз. — деди коммунистик меҳнат зарбдори А. Прутило. — Чунки шу кун биз сеvimли Ильичимизга бўлган зўр саломат ва муҳаббатимизни намоиш қилишимиз керак. Бунинг учун ҳар этган дугоналарим ҳам бир минутини зое кетказмай унинг қадрига етиб меҳнат қилишимиз керак. Шанбалик кун коллек-

тивимиз тежалган хом ашё эвазига олти миш миш сўмлик маҳсулот тайёрлайди. Бу— деди баланд аёлларимизга шойи, атласдан тикилган кўйлаб либослар, қишлоқларимизга эса ранг-баранг ленталар тайёрланади, деган сўзиди.

Хозир фирмада бир юз олти миш номада маҳсулот тайёрланмоқда. Юбилей йилда эса яна ўн беш хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш

### ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Яқинда, Энгельс номи чет тиллар педагогика институтининг француз тили факультети ўқитувчилари ва кўп сонли студентлари иштирокида дохил В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигига бағишланган «Ленин ва поэзия» деган мавзуда адабий кеча ўтказилди.

Адабий кеча В. И. Лениннинг магнитофон плёнкасида ёзиб олинган «Оташ» нутқини тинглаш билан бошланди. Кечани шу факультет партия ташкилотининг секретари Файзилов қисқача кириш сўзи билан очди.

### Кеча

Шахримизнинг барча районларида Ленинга бағишланган кечалар бўлиб ўтди. Совет ва партия ходимлари, олимлар, мутахассислар шаҳар корхоналари меҳнатқиллари билан учрашдилар.

Фрунзе ва Ленин райони сановат корхоналари юбилей йилнинг биринчи кварталдаги

# ЛЕНИНЧА ЖУМАЛИК

Коммунистик партия ва биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва ташкилотчиси буюк Ленин туғилган кунинг 100 йиллик юбилейи тантаналарига сенокли кунлар қолмоқда. Дохил юбилей яқинлашган сайин совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги тобора юксалиб бормоқда. Партия ташкилотлари идеология ва ташкилотчи ишларини ана шу улук айёмни муносиб кутиб олишга сарфларган.

Социалистик мусобака топириқларининг баҳарлиши натижаларига яқун асади. Бу ерда партия раҳбар димлари ахборот берди. Масалан, Фрунзе район партия комитетининг секретари Т. Акимов, З. Абдураҳмонов, Н. Захарина ўртоқлар «Таштекстиль-маш», ёгончи қайта ишлаш, ном заводлари ва бошқа корхоналарда бўлиб, меҳнатқиллар билан сўхбат ўтказди.

Октябрь революцияси номи заводи «Учқун» фирмаси, электротехника заводи каби корхоналарнинг ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари Ленин район партия комитетининг секретари Б. Халилов, М. Каҳҳоров, И. Мелинковалар билан учрашдилар.

Узбекистон геология министри Т. Тулағановнинг қизилкарли суҳбатидан қўлгина янгиликларни билиб олдидилар. Автомобиль транспорт министрининг ўринбосари В. Ражабов эса 2-автомобилат ходимлари билан фикр алмашдилар.

Корхона ва ташкилотлар меҳнатқиллари билан бўлган учрашувларда сузга чиққан раҳбар ходимлар коммунистик қурилишнинг улгур йўлида улкан ишлари бақариш вазифаси турганини таъкидладилар. Бу эса совет кишилардан ташкилотчилик, юксак интизом намуналарини кўрсатиб ишларини, КПСС XXIII съезди қарорларини беқарши, коммунистик қурилиш планларини муваффақият билан амалга оширишда ташаббус кўрсатиш ни талаб қилади.

### Поётхатимиз меҳмонлари

### «КУЙЛОВЧИ ГИТАРАЛАР»

Свердлов номи концерт залида композитор Анатолий Васильев раҳбарлигида Ленинград чолгу ансамблининг гастроллари зўр муваффақият билан ўтмоқда. Ансамблининг номи «Куйловчи гитаралар» деб аталади. Чунки бу коллективда қўшиқчилар тортиб бадий раҳбарга гитара чалишнинг ажойиб устаси қисобланади. Ансамбль ташкил бўлганга эдингиза уч йил бўлди. Санъаткорлар мунка билан юртлари, консерваторияларда тарбия олган.

Ленинградлик гитара устаслари Свердловск, Омск, Киев, Олмаота каби шаҳарларда минг-минглаб томошабинларнинг олқиниға сазовор бўлдилар. Поётхатимиз меҳмонлари Тошкентда ўз гастролларини тамомлагач, Германия Демократик Республикасига жўнаб кетишди.

Ансамблининг концерт программасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи жуда кўп ҳароратли қўшиқлар бор. Улар Гражданилар уруши, Улуу Ватан урушининг қаҳрамонлиқлари ҳақида хикой қилади. «Йўл», «Тапанка» каби қўшиқларга француз, немис, италия тилларида иккиро этиладиган қураш ва тинчлик ҳақидаги ашуаллар ҳамодан бўлиб кетган.

СУРАТДА: санъаткорлардан Е. Федорова, А. Васильев, ва В. Стулачевколар. Н. Меламед чизган расмлар.



### МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Консерва заводининг иш процесси кўпроқ йилнинг ишиқчилик кезларига боғлиқ. Улмаиз кўшиқ тафтида мевалар етилгач, корхона коллективининг иши жуда кўпайиб кетади. Шу кунларда завод янги мавсумга қизгин ҳозирлик қўрилади. Кўйлаб цехлар ремонтдан чиқарилиб, оғирлар лиги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёрланмоқда.

11 апрель кунини бўладиган меҳнат байрамининг ишмиғига янада янги рағбат берилиши шубҳасиздир, — дейди завод директори Х. Муҳиддинов. — Чунки айни кунларда биз ремонт ишлари билан бандиз. Коммунистик шанбаликка эса, ишчиларимиз бир тан бир жон бўлиб ишга чиқишади. Уларнинг юмуши анчагина. Шу кунин беш тундан ортқ макжаҳури ўзати тайёрланади. Утган йили ва шу йилнинг биринчи кварталда тежаб қилинган электр энергияси ва бошқа хом ашёлар эвазига ишланади. Бундан ташқари, завод ҳовлиси тартибга келтирилади. Дарахтлар оқлашиб, ҳар хил гул ва манарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, боққа сўлим чирой бақи этилади.



### Эл хизматида

Фрунзе район ошхоналар трести коллективи ҳам эл қатори 11 апрель кунин коммунистик шанбаликка чиқди. Шу кунин трест коллективини ўзининг энг яхши таом ва ширмачилари билан умумхалқ ҳашарини иштирокчилари хизматда бўлади.

Коллектив коммунистик шанбаликда қилинадиган ишларнинг планини белгилаб олди.

Шанбалик кунинда трест қарашли «Дилбар», «Табассум», «Новинки» қаҳвахоналари ва Сергелдаш «Сергел» ошхонаси коллективини коммунистик шанбаликка чиққан сановат корхоналари хизмат қўрсатади.

Унга яқин дунин тайёр маҳсулотлар мағазинлари ўз маҳсулотларини завод-фабрикалар, олий ўқу юрталари, муассасаларнинг ва хизматчиларининг олдида намоиш қилади.

Институт, техникум ва мактабларнинг ошхоналари, кафетлари меҳнат байрами кунинда янги таом ва янги маҳсулотлар билан янада бойитилади.

Трест коллективини на унга қарашли умумий оқватлиниш корхоналари ўзлари бирктирилган кўча ва майдонларини ободлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этишади.

Тамара Пискунова электр техника заводининг янги цехида бир неча йиллардан бери меҳнат қилиб келади. У коммунистик меҳнат бригадасига бошчилик қилади.

Т. Пискунова бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аёллари ленинча меҳнат вахтасида яхши ютуқларга эришмоқда.

А. Палехов фотоси.

### САЛОМАТЛИК БАЙРАМИ

Бахт-саодатимиз, меҳнат ва қўноқларимиз саломатлиқига боғлиқ. Партия ва ҳукуматимиз халқ саломатлиғига беинҳоя ғамхўрлик қўриштириб, барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хозир республикада 102 миш ўринли шифохона мавжуд, 77 мишдан зиёд олий ва ўрта маълумотли медицина ходимлари халқимиз саломатлиғини муҳофаза қилмоқда.

Республика санитария маорифи унинг кўпсонли ходимлари дохил Ленин юбилейини муносиб кутиб олмоқдалар. Ходимларимиз аҳоли ўртасида медицина билимларини тарқатишда тинмай ғайрат кўрсатишмоқда. Республиканинг қўлгина корхона, ўлув юрталари, маҳалла ва мактабларида.

### ПОЛИМЕР МЕТАЛЛИ ТЕЖАЙДИ

Ўн беш йил мобайнида полимер материаллар «Таштекстиль-маш» заводига 10 миш тонна чўян ва пўлат тежаб берди. Корхона шу металл туқмаччилик машинаси ишлаб чиқариши мунки.

Заводда полимер материаллардан 430 хил 6 миллиондан зиёд детал тайёрланади. (Э.ТАГ).

### КЎЧМА КЎРГАЗМА

Талантли расм Зокир Инағомов асарлари минглаб томошабинларни мафтун этган. Санъаткор кейинги пайтларда талайгина мазмундор асарлар яратмоқда.

Республика маданият министрлиги панарам ва кўргазмалар дирекцияси Зокир Инағомовнинг асарларидан иборат кўчма кўргазма ташкил қилди.

### Ибратли тадбир

### СТУДЕНТЛАР ЯҚШАНБАЛИГИ

Студентлар шаҳарчаси катта ҳашар майдонига айланган. В. И. Ленин номи Давлат университетида икки миш йилгит-қиз, Политехника, Физкультура, ҳамда Чет тиллар институтларидан қарийб уч миш студент шаҳарчани ободлаштириш ва кўкамлаштирашда қатнашди. Яқшанбаликка чиққан студентлар ариқларини, хибобларини, физкультура майдонларини тартибга солишди, ётоқхоналарини яхшилаб жиҳозлашди, гулзорларини чопиб ҳар хил гуллар экишди. Олча, олхўри, ўрик, олма каби мевали дарахтлар ҳамда манзарали дарахтлардан 10 миш туп кўчат ўтказишди.



Ленин хибобинида маданият-маншнӣ объектлар қурилиши жадал бормоқда.

### БУГУН

Кўргазма Фаргона водийсига юборилди. Кўргазма республиканинг ҳамма областларида намоиш қилинади.

### ЧЕТ ЭЛЛАРДА

янгиликлар

• воқеалар

• фактлар

### ЧЕТ ЭЛЛАРДА

БЮССЕЛЬ. Бельгиянинг Хобокене шаҳридаги кемасозлик корхонасининг 2500 ишчиси забастовка эълон қилди. Улар ўзларнинг моддн аҳолилари яхшиланшини талаб этмоқдалар.

### МАЪМУРЛАРИНИНГ ТАХДИДЛАРИ

ВАШИНГТОН. АҚШ ҳукумати асвалиниларнинг иш ташлаган диспетчерлари ўз хизмат вазифаларини бақаришга дарҳол киришмасалар улар ишдан четлаштириладилар деб дўқ қилди. Америка аэропортларидаги диспетчерларнинг 25 проценти ишга чиқаётганига бир ҳафта бўлди. Улар иш ҳақи оширилшини талаб қилмоқдалар.

### ИШ УРИНГА... ҲҚ

САНТО-ДОМИНГО. Қанд заводларининг маъмурияти ва шакаркамшизорларининг эгалари кўчага чиқариб ташлаган ишчилар ва қачмиш ўрувчилар қанд сановатда кишилар кўйлаб ишдан бўшатилганлиғига қарши норозилик билдиришмоқда. Пуэрто-Плата шаҳри меҳнатқилларидан салкам 2 миш киши иш талаб қилиб намоиш ташкил этишди. Намойишчиларга қарши ташлаган полиция ва солдатлар уларга қарата ўт очинди. Натигада уч киши ўлдирилди бир неча киши ярадор қилинди. (ТАСС).

### ДОКЛАДЧИЛАР—ЧЕТ ЭЛЛИК СТУДЕНТЛАР

Пойтахтимизда гитара устаси ва чет эллик меҳмонлар кетнашмоқдалар. Уртоқ Н. В. Подгорний сессияда нутқ сўзлади.

Тоғи газеталарида СССР Фанлар академияси умумий мажлисининг В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига бағишланган сессияси қатнашчиларининг Совет Иттифоқиди олидларга ва илмий муассасаларнинг барча ходимларига мурожаати босилган.

КПСС Марказий Комитетининг тақлиғига биоан СССРга келган Германия Бирлашган социалистик партияси партия ходимларининг делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг бўлим мудири К. Зоргенихт делегацияга бошчилиқ қилмоқда.

Чет эллик студентлар орасида чет эллик студентларнинг улуг дохил В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигига бағишланган бу илмий анжуманида Давлат университети, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ва бошқа олий ўқув юрталарида ўқитган чет эллик ёшлар доқладлар билан чиқдилар.

Туқимаччилик ва енгил сановат институтини студенти кубалик С. Говзалес таъйёрлаган «В. И. Ленин алайит ва санъат ҳақида» деган илмий доқлад конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ЧССР, Врешовдаги қўнғир кўмир билан ишлаовчи енгил газ янвони яхшилоқ бера бошлади.

СУРАТДА: бугун заводдаги ишн назорат қилиб турувчи пулт олдиди. (ТАСС фотохроникаси).

### МАҲАЛЛА КЎРКАМЛАШМОҚДА

«Бешқайрағоч» массивида янги маҳалла комитети раислиғига аҳоли бир овоздан Керим ака Едгаровнинг номи кўрсатди. Шу кунларда одаий ишчи мавзосининг сикдидиллик билан оқламоқда.

Рис бошлиқ маҳалла аҳолиси ҳашар йўли билан қисқа муддат ичида клуб, чайхона, қизил бурчак, дружиначилар пости ва идора хоналарини қуриб олдилар.

Яқинда, маҳаллага Ульянов номи берилди. Маҳалла аҳолиси мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, арк ва заворларини тоҳлаб, кўркам ва озода қилмоқда. Шу кунгача 2500 талдан кўн кўчат ўтказилди. Бу ишда маҳалла кескелери У. Жаҳолов, М. Парфия, С. Иноғомовлар, айниқса, жонбозлик кўрсатмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.





**ЮТАНГЗА**

Бу лавазан таомин тайёрлаш усули оддий ва масаллақ таркиби ҳам содда бўлишига қарамай, у унутилган таомлар ҳисобига кирди. Бу ноёб таом Анжирнинг ва Уш шаҳар аҳолиси ўртасида орасида тайёрлаб туради. Бошқа жойларда, хусусан, Тошкентда сира тайёрланмайдиган. Ваҳоланки, ютанганнинг хамир оқитлар ичида серлаззатлиги жамоат овқатлашиш корхоналарида яшириниши бир қадар йўлга қўйиб юборишни талаб этади.

Ютанга учун ачинтири хамир қорилди, оширини учун ўраб олиб қўйилди. Хамир кунчиғач, яхшилаб мушлагайи ва пилладей-биледай зуваллар асалади. Уроғини қўри сениб, ўқон ердимида юққа қилиб ёйлади. Ёймадан расида кўрсатилаётган қилиб ўқонга ўралади, уни тўрт, узулиги эса йир-аллик сантиметр келадиган тасмалар кесиб олиниди, тасма юзига нордон қаймоқ ёки бўдмасе томат-паста билан сариғёр қориштириб тайёрланган крем суртилди.

Ҳар ўн-ўн иккита тасмани бир-бирининг устига тахлаб, гилдиратиб ўралади (расига қаранг). Сўнг думалатиб, азуала тахлитига келтирилади. Маҳсулот мангиткасида янги-ма-йингига беш минут давомда бўлаб пилла-рилади. Ҳар бир лавазани ёғлаб, ютанган бир-бирига тегмайдиган тахлитда жой-лаштирилиши керак.

Тайёр таом нуношта дастурхонига тортилади. Буни айниқса, ёш болалар сениб ёйишади. Ота-она кўчаларининг нормал семиршиши учун ютанга жуда қўл келади.

**Ҳикматлар**

Тошкент аҳли орасидан етишиб чиққан номдор кишилар ичида Мулла Фаолуллоҳ Миржалол ўғли Алмайн алоҳида ўрин тутди. У ажойиб шoir, оғли ва мохир таржимон эди. Алмайн энг надирий ҳинд масалларидан бири, жаҳон адабиётида муҳим ўрин эгаллаган «Қалла ва Динна» асарини форс тилидан ўбек тилига таржима қилди. Бу китоб 1893, 1901, 1913 йилларда Тошкентда уч марта нашр қилинди.

Қуйида шу китобдаги баъзи хикматли сўзларни ўқисиз.

- ▲ Ушла жамият этогин, ишлагин, бутмогай.
- ▲ Хеч иш ёлгузгин илон
- ▲ Кулоқ солма сўз деса сохиб гараз.
- ▲ Ки кўнглидадур гинадин кўб мараз.
- ▲ Бузар бир нафасда ани оламини, Поришон қилур хотири одамини.
- ▲ Фикр этарман ҳар на ким дунёда бор.
- ▲ Яхши отдур яхшиларнинг хосили.
- ▲ Бўйла демияш даҳрнини донийи фани.
- ▲ Эрма ёмонлигини, ўрасан ани.
- ▲ Ситамгар азумилидин ёғти оловини.
- ▲ Ҳани куйдири-ю, лна бировнини.
- ▲ Дўстининг гарчи минг эрур намуру.
- ▲ Душманнинг басга гар бир-у кубдур.
- ▲ Кимки аслида бад умид эрур.
- ▲ Яхшилик ул кишидин отма умид.
- ▲ Чикмагил маккоринини томга, Тутшайсен анда балонинг домнга.
- ▲ Кимки хиёнатга қўйибдур аён.
- ▲ Охири шармандай расво қилур.
- ▲ Хийла йилондирки инки боши бор.
- ▲ Нега зарар ҳар бири пайдо қилур.
- ▲ Керакким яхши ҳамдам қилса ҳосият.
- ▲ Ки суҳбатга ярашмас ҳар синдилди.
- ▲ Арфа экиб дашт билан роғда.
- ▲ Бугдой олгум дема ўраб қоғда.
- ▲ Чун ўзинг сиррингга моҳром бўлмадинг.
- ▲ Эгалар гар асрамас, йўқтур аяаб.



К. МАХМУДОВ.

**ҲУШИК**  
*Шинавадаларига*

**ЁШИГИМ**

Ёшлигим, кўёшлигим, Кўёшта сирдошлигим, Урмийнинг гултоқисан, Қалдирғоч кўлочилигим, Ишқ бўлиб уйғонсан, Рашик бўлиб тўлгонсан, Бир акиб туғёнсан, Ёшлигим, кўёшлигим, Хар гулга шайдоғиним, Хар дилда пайдоғиним, Мажируни лайдоғиним, Ёшлигим, кўёшлигим.

Сел бўлиб тошдинг, нечун? Ел бўлиб қочдинг, нечун? Муңчалар шошдинг, нечун? Ёшлигим, кўёшлигим, Ёшлигим, кўёшлигим, Кўёшта йўлдошлигим, Бир умр айрилмагум, Қалдирғоч кўлочилигим! **Максим КАРИМОВ.**

**Бир ёшли келинчак**

Укгорд областининг Бобовое қишлоғида колхозчи Фёдор Баборанин қизи Жуваннали ҳам қишлоқлари «Вой келин» деб аташади. Тўғри, ҳали «келинчак» бир ёшга ҳам тўлганча йўқ, лекин у уй-жойли: колхоз правленесининг умумий йарорига кўра, қизаниннг ота-онасига ишонч қозони тоширилди. Унда «Бу қизга (фамилияси, исеми ва отасининг исеми кўрсатилиши керак) 1990 йили ўттиз минг дона гишт берилсин ва унга уй қуриб берилсин», деган сўзлар берилган. Чақалоқнинг колхоз правленесига ариза билан мурожаат қилмаганини албатта ҳаммага аён. Лекин бир воқеа бўлган эди...

Юбилей йилида бунёд этилган иморатлар орасида битта гишт заводи ҳам бор эди, деб ёзади «Правда Украины» газетаси. Колхозчилар бу воқеани қандай нишонлаш ҳақида кўп ўйлаб қолишди. Ёйлаб-ёйлаб шундай қарорга келинди: заводнинг таяннали очилши маросимидан кейин дунёга келган янги меҳмонга текиппа ўттиз минг дона гишт ажратиб, йигирма йилдан сўнг унга уй қуриб берилсин.

**ТАБАРРУК ОИЛАЛАРИМИЗ**

**УМРИДАН БАРАКА ТОПГАН**

**ҲИЖОМ**

Бибинисо бунд пири бадавлат онахонларининг бири. Унинг ўғил-қизлари, неварачеваралари бир ерга йилгиса борми, бу ҳовлида тўй бўлганди, деб ўйлаш мумкин. Бибинисо бунд бу йил юз ёшга тўлди, таодифини қарангини, унинг роппа-росо юз неварачеваралари бор.

Бир аср умр кўриш ҳазил гап эмас. Бибинисо бунд унинг узоқ умри давомда ҳаётининг ҳамма аччиқ чучунгини топти.

— Элас-элас едимга тушади, — дейди онахон. — Замбарчалар овози ҳалим кулгоғимда. Қаршидан келаятганимизда уруш бўлиб қолган ҳам эсимда. «Ғалати иним ки-йанг асар болалар бизда» «Сизлар амирининг одамлари эмасмисизлар?» деб сўроқ қилинган эди. Бева-бечоралар эканимизни билди, ўша асар болалар нурийдаларим билан қизил вагонга чиқариб, Тошкентга келишимизга ёрдам бершган.

Бибинисо бунд 1919 йили Фрунзе, 1922 йили эса Оржоникидзеларни кўрганни, уларнинг нутқини тинглаганини яхши хотирлади.

Бибинисо бунд ҳозир Калинин районидида Ленин номида колхозда, кўнжк ўғли Набиохоннинг иштирокида қилапти.

Катта даргоҳнинг бошлиғи Бибинисо бунднинг тўрт ўғли ва бир қизи ҳаёт. Тўнчиқ ўғли Маъруфхон ҳозир етмиш олти ёшда. У узоқ йиллар Тошкент трамвай трестида ишлади, ҳозир пенсияда, қарилик гаптини сўраётганлардан бири. Унинг йигирма етти невараси бор. Ганихон ота ҳозир етмиш ёшда бўлишига қарамай, бардам Газалпарат заводида ишламоқда. Ёлдухон ая олтинчи беш ёшда, уй бевасил. Аббасхон ота олтинчи бир ёшда, темир йўл бошқармасида хизматда. Набиохон — эллик олти ёшда, район маъиний хизмат кўрсатиш муассасасида ишламоқда.

Бибинисо бунднинг деярли ҳамма неваралари ўқинишда бўлиб етишти. Улар республикада халқ кўнжаниги ва фанининг турли набахчаларида меҳнат қилишмоқда.

Бибинисо бунд Муҳаммадшонова ёши улуғ, пири бадавлат, умридан барана тўлган аёллардан. Фарзандлари ундан маслаҳат олишади, йўл-йўриқ сўраб туришади.

София ОДИЛОВА  
СУРАТДА: Бибинисо бунд (ўнгдан учинчи) бада-чақа ва набиралари билан.



«Хар доим бўлсин онам!» Р. Альбеков фотоэтиди.

**Алданган балиқлар**

Япония балиқчилари денгиз бўғозларидан бирига балиқлар учун ҳар хил озуқаларни ташла-дилар ва акустика апар-латларин ёрдамида уларнинг овқатлашиш вақтидаги товушларини эшиб олдилар.

Кейинчалик, улар ов вақтида балиқларнинг кўлуши ёзилган пластинкани қўйдилар. Алданган балиқлар тўппа-тўғри сузиб келиб тўра-га илинвердилар.

**Аср касаллиғи**

Юрак дардлари бўйича мутахассис бўлган инглиз доктори Эванснинг аниқлашича, кингир-манчи асрининг энг қаффили касалликлардан бири — жисмоний ҳаракатнинг етарли бўлма-слиги натижасида бош-ламидиган бетобликдир. Соғлом, чиниққан бадан даҳо кескилик ёшида ҳам руҳий ва тана касалликларига яхши бери-дош берадир.

**БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН СИНГАН ЛАГАН**

Халима опа ниндан келди-да, уй ўртасида сениб ётган лаганга кўзи тушиб, Ҳасанини чақириб сўради: — Ҳасан, нега лаганин синадиринг? — Уй қоронғи-ку, ойи, — деди Ҳасан қизариб.

**СИЗ УХЛАМА-ДИНГИЗМИ?**

Зумрад акаси Дилшод билан машиначани ўйнаб ўтириб, ширин уқлаб қолди. Эрталаб туриб бундай қараса, Дилшод машина ўйнаётти.

— Кел, ўйнаймиз, — деди Дилшод синглисига.

Зумрад ҳайрон бўлди: — Вой, ака, сиз ухламадингизми? **Абдураҳим РАСУЛЕВ.**

**Ўзим киритган ТАКЛИФ**

(ҲАЖВИЯ)

Мажлис фавқулодда ча-кирилди. Одамларни қабар-лағунича секретарь қиз Ху-морхоннинг дувдор қадида дов-лов энди, чарчади. Пи-ғилишга ақтилар, қурилди раҳбарлари ва участка бош-лиқлари ҳам таклиф қилин-ди. Одатдагидек, мажлис ҳайғати сайланган, қурил-ди бошқармасининг бошлиғи Салимжоновга сўз берилди. Нотиқ бир йўналиб ўрнидан турди. Унинг тағидаги сўз, оғир юқдан енгиллашди, дегандек «тўғри» этган овоз чиқарди. Салимжоновнинг ҳозирги ҳолати бугунги бў-лаётган мажлиснинг олдин-гиларига нисбатан муҳим-роқ эканлигини далолат бериб турарди.

— Ҳуртоқлар! — деди у эндигина олдинга қўнган кўк чойни нари суриб. — Бугунги мажлиснинг кў-риладиган масала битта. У ҳам бўлса, меҳнат инти-зомини масаласи. Узуни қўлоқ тахшлаш яхши эмас, умуман одобдан эмас.

— Масалага кўчинг, — деди кимдир.

— Ҳа, масалага кўчман, — деди Содиқ Каримович, — энди ўртоқлар, мен сиз-ларга тўғрисини айтсам, меҳнат интизомининг бузи-лишида бошқарма халқ қон-троли комитетининг ҳам катта айби бор. Нега улар наамчиликлар билан муро-са-сиз бўлишмайдилар? Улар се-бабсиз ниндан қўлаётганлар-нинг таъониини нега тортиб қўйишмайдилар? Бугундан кейин, группа аъзоларининг бу масалага чин дилдан ё-дошланишларини талаб қила-ман, ўртоқлар! Агар кимда-ким бир кун ишга чинмасе, олдиндан икки кунлик иш ҳақи ушлаб қолсин.

Бу таклиф Салимжонго-ва еқиб тушди. Мажлис аў-ли ҳам бир овоздан Содиқ Каримовичнинг таклифини маъқуллади.

Орадан ўн беш кун ў-ғач, кассир ишчиларга пул тарқатди. Сабабсиз ишга чиқмаганлар орасида Содиқ аянинг ҳам фамилияси бор эди.

— Хой, менга қаранг, ў-ртоқ кассир, — деди Содиқ Каримович тутақиб, — нега менинг ойлигимдан босиб олдингиз, ахир бу таклиф-ни киритган мен-ку.

— Бугунгун шундай бўлди, — деди кассир, — истаган жойга шикоят қилишга тиз мумкин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

**ҲАР Тўғрида**

Ҳаммаси уни амалда синаб кўриш ораси-дан воз кечмайди. Аф-суски, ерга наптиб кели-ди, вақтининг ўтиши-да бу тафовутни сези-ши учун ракетанига ёруғлик теалигига яқин тезлида учирши керак бўлади. Бунга эса ҳали орийлагани лометр, холос. Бироқ жуда аниқ ишлайди-ган атом соатлари фарқи сезиш имкони-ни беради. Оддий атом эталони катта қурилмадир. Совет елимлари шундай қи-чқина атом эталони расадларни, уни «Кос-мос-97» йўлоши ичи-га ўрнатиш мумкин бўлди. Лекин йў-лоши атом соатини ўрнатишининг ўзи киф-ой қилмайди. Бундай аниқ ишлайдиган ў-қон аппаратини Дол-дер эффектнинг зар-рали таъсирдан сақ-лайдиган махусе

**БАҲАЙБАТ КИТ**

Биз яшаб турган санърада кўк янтдек баҳайбат ҳайвон учра-ган эмас. Кўк китнинг оғирлиги бир юз эллик тонна келади. Китни тик қилиб қў-йилса, ўн қаватли уй билан тенгашади. Ҳайвоннинг оғзи катта бўлиб, унга эшак би-лан ҳайдаладиган қи-яқ бемалол жойлаша-ди. тилининг оғирлиги уч тоннадан ортук.

**«ЭКОНОМ»**

Тикувчилик фир-ма-си директорининг хи-собоат докладыда шун-дай жумла бор эди: «Утган йилд тикув-чиликнинг ҳар юз кийимлидан икки юз метр материал эконо-ми қилиб қолди. Бу эса, яна юз кийимлик демандир. Беш йил-ликнинг охириги йил-да тикувчиликнинг яна ҳам кўпроқ мате-риал экономи қилишга қатъий киришдилар».

Бу гапни эшитган Замоний хангу-манг бўлиб қолди:

— Э тавба, — деди у ёқанини ушлаб, — буниси ҳали ҳовла эмас. Тикувчиликнинг бунақа иқтисод қи-ли-

**ЭШЛИК ЕНГДИ**

Замонийнинг ёши етмишдаги оғиб қол-ган бўлса ҳам, шах-мат ўйнашни қўйма-ди. У бир кун Горь-кий номида боғда Сак-сон ота билан шах-мат суршиб, уни ен-гиб қўйди:

— Ешлари сиздан катта, тажрибали Сак-сон оталарини нот қилдингиз-а! — дейишди атрофда тўлганган то-мошабилар.

— Ҳамма гап шун-даки, — деди Замон-ий, — бу ўйинда мен эмас, ешлик ен-ди.

Тўғри РАСУЛЕВ.

**Қ О Р А**

**Чиннининг СИРИ**

Қадимий римликлар қорачинни ясаш сир-ларини билмайдилар. Аммо бу сирни улар оғил-и билан қабрга олиб кетдилар. Ҳозир-ги вақтда жаҳонда фа-қат бир киши қорачин-нинг тайёрлаш сир-ларини билди. У австрия-лик Франц Куконен деган кишидир. У тайёрлаётган қорачинни вазалар Помпей қорачини ясаш сир-ларини таърифлаш ма-тематик формулалар ишон-лар-ли тарзда исботлаб берса ҳам, физиклар, Шу сабабли, қорачинни тайёрлаш сир-ини ҳақон сирлагича қол-чани вазалар Помпей қорачини ясаш сир-ларини таърифлаш ма-тематик формулалар ишон-лар-ли тарзда исботлаб берса ҳам, физиклар, Шу сабабли, қорачинни тайёрлаш сир-ини ҳақон сирлагича қол-

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» КОНЦЕРТИ**

Мен севаман, сен севаганим! (Манба ҳаласкорларни репертуаридан).

**ГҒАЛААР**

— Келиб қолинг, келиб қолинг! Раёно гулу, чинни гулу...


**ТОШКЕНТ 3 ОҚШОМИ 3 БЕТ.**

4 АПРЕЛЬ, 1970 ЙИЛ.

# ШАШКА КОНКУРСИМИЗ

Яна беш топшириқдан сунг конкурснинг янага якуи ясалади. Бугун биз газетчилар эътиборига конкурснинг 5и олтинчи топширигини ҳавола қиламиз.

**16-ТОПШИРИҚ**  
Уч саволга жавоб беринг:  
Аёллар ўртасида шашка бўйича биринчи СССР чемпионати қаерда ва қачон ўтказилган?  
Ўзбекистон и и г шашка бўйича биринчи чемпион аёллик биланисми?  
Машҳур поляк шорларидан ким шашка ҳақида поэма ёзган?  
Қуйдаги уч нозициани ечинг. Уларнинг ҳаммасида оқ доналар юришни бошлаб, ютуққа эришадилар.



46-ПОЗИЦИЯ

47-ПОЗИЦИЯ

48-ПОЗИЦИЯ



БУГУНГИ ТОШКЕНТ  
СУРАТДА: Шота Густавели кўчасининг кўришиши.  
М. Нуридинов фотоси.

## ҲАМ РАҲБАР, ҲАМ ШИФОКОР

Қизгин жанг йиллари, Украина ўрмонларида даҳшатли уруш давоми этмоқда. Сафо Муродов яқинда булган совет жангчиларига тезкорлик билан доридор қилиб, ҳамма ишчи ўрнига қўймоқда.

Раҳмат, ўрток доктор! — барча беомалик ушга шундай сониқий ташаккур билдиришди.

Сафо Муродов кўп ўтми. «Жанговер» хизматлари учун медали, сунг «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. Урушдан қайтган шахримиздаги амбулаторияларнинг бирида. 22 поликлиникада врач кейин Октябрь район солиқчи саклаш бўлими мудири вази-фаларида ишлади.

Қўли шифобахш Сафо ака олти йилдан бери 10 касалхонанинг бош врачлиги бўлиб хизмат қилмоқда. У бошчилик қилватган касалхона шахар бўйича доим биринчи ўринни олиб келпти.

Шифономакши янги аппаратлар билан жиҳозланган, — дейди Сафо Муродов. — Беморларга яхши ва намунаги хизмат кўрсатгани учун медицина ходимларимиздан икки юз етмиш бир кишиге коммунистик меҳнат зарбдори номи берилган. Шифономакшининг бош гектар ерида боғор ва гулзорлар барпо этилди.

Аюлий врач ва ташкилотчи раҳбар Сафо Муродов мингларнинг саломатлиги учун қурбандан олижонлик кичидир. Партия ва ҳукуматимиз унинг хизматларини тақдирлаб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» унвонини берган.

К. МУСАМУРДОВ.

## ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ

### МИННАТДОРЧИЛИК

Э. Эрмухамедов «Ташсовет» 50 йиллиги кинотеатри атрофида эътиборлиги туфайли ҳужжатларини йўқотиб қўйди. Паспорт, меҳнат дафтраси ва ҳарбий билети қаерда тушиб қолганини билмасди. Бир неча идораларга мурожаат қилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, уйига хат келди. Чилонзордаги 25-уй жойи эҳтилолати яна идорасига мурожаат қилинг, дейилган. Илмо экучиви идора ходими В. Добролюбова эди.

Э. Эрмухамедов идорасига келиб, хат эгасидан барча ҳужжатларини олди. У кўчадан топиб олган нарсаларини авайлаб саклаб қўйган экан. Ҳужжатлар эгаси — Э. Эрмухамедов В. Добролюбовага миннатдорчилик билдирди.

## Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқи! ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР Майда безорилик учун қамалганлар

\*Нисонов М. 1930 йилда туғилган. Хир, монтепа кўчасидаги 1-уйнинг 21-қаватрасида да яшайди. Маст ҳолида мажжал кутариб, хотинини ҳўрлагани ва қўш-ниларнинг бевозели дил-галлиги учун Чилонзор район халқ суди маро-ри билан 15 сунтага ҳукм қилинди.

\*Сарпинин А. П. 1952 йилда туғилган. Теллаво кўчасидаги 27-уйда туради. Чилонзор номи заводнинг 35 цехи элентриги. Маст ҳолида урғоги билан 133-бўғимнинг ойнасини синдиришгани ва жа-моат тартибни бузган, диги учун Хамза район халқ суди қарори билан 15 сунтага қамалди.

\*Чубаров А. Н. 1935 йилда туғилган. Чилонзорнинг 12-қаватрасидаги 5-уй 75-қаватрасида яшайди. Пассажир, туризм трестига қарашли 7-бўғимнинг арматураси. Коммуналия кўчасидаги 5-район кўчасидаги 10-қаватрасида Оқушбобов кўчасидаги келтирилди.

## Ҳушёрхонада тунаганлар

\*Қудамин Г. И. 1941 йилда туғилган. Пассажирларнинг тайиш ша-хар трестига қарашли 145 автопарк шофери, Киров районидаги 3-қо-рамут туниги, 12-уйда истиқомат қилади. Ле-нин район хушёрхона-сига Привокзальная кўчасидан олиб келинди.

\*Уткин Н. М. 1930 йилда туғилган. «Поли-бенин» заводи слесари Шахрисабз кўчасидаги 3-қаватрасида яшайди. Октябрь район хушёрхона-сига олиб келинди.

\*Ҳошимов Т. 1936 йилда туғилган. «Глав-ташмашстрой»нинг 6-қаватрасида яшайди. Октябрь район хушёрхона-сига олиб келинди.

## АШАДДИЙ БЕЗОРИГА — ЎН БЕШ ЙИЛ

Октябрь районидagi Хуршид кўчасининг 202-уйида турган Назиров Ботир ўн тўққиз ёшида ҳаёт лаззатидан маҳрум бўла бошлади. У ўқиб, ҳунар ўрганиш, бирор фойдали иш билан банд бўлиш ўрнига техникхўрлик, безорилик йўлига ўтди. Бир неча марта қамалди, қанчадан-қанча таниб-белла олишига қарамай, қўзини олмади.

Ўтган йили Оқдўр-гон кўчасидаги 7-уйга пинҳона кириб, қим-матбаҳо оюмларини умарди. Янқа буюрт-мадар тикши фабрика-сининг 10-ателъесидан буюртмачиларнинг саккиз юз олтинчи сўм саксон тўққиз тининлик кийимларини ўзлаб кетди.

Йилда Назиров Ботир М. исми қўз-нинг номусига тажовуз қилди. Унинг ярамас ва тубан ахлоқи соф кунгли кишиларнинг нафратини кузготи-ди. Ашаддий безори ўн тўққиз ёшида саксон ёшли отаси ва олтинчи ёшли онаси ҳам-да ака-синглиларнинг юзини ерга қаратди.

Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлар бўйича коллегиясининг судлай мажлиси-да Назиров Ботирнинг жиноий ишлари кўриб чиқилди. Судда барча гувоҳлар айбланувчи-нинг ахлоқи, ҳаром-гомоялиги, безорили-ги, ҳаёсизлиги ҳақи-да гаплаб ва нафрат билан гапирдилар.

Суд безорини ўн беш йил қалок жазо-сига ҳукм қилди.

Х. ЗУФАРОВ,  
шаҳар халқ судининг аъзоси.

Редактор  
С. М. ҚАРОМАТОВ.

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕАТР

НАВОИИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК НАТТА ТЕАТРИДА — 4, 5-ИВ да Бир пардали олетлар.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4-ИВ да Олтин девор, 5-ИВ да Олтинчи июль (қундузи), Алкопарим (кечқурун).

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4-ИВ да Қайнона, 5-ИВ да Бахт туни, 6-ИВ да Тошбола ошин, ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4-ИВ да Ун саккиз ёшлигим, 5-ИВ да Освенцим жаллодлари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Сувдаги жозоблар» янги аттракцион.

## Кино

4 АПРЕЛДА  
Сир очилди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), САҲЪАТ САРОНИ (кеч 7 да).

Адам ва Хева — САҲЪАТ САРОНИ (кеч соат 9 да), «СПУТНИК», «МОСКВА» (кечқурун).

Манедонча туй — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кечқурун).

Доктор Гомернинг унаси — «ДРУЖБА» (кечқурун).

5 АПРЕЛДА  
Сир очилди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (қундуз ва кечқурун), САҲЪАТ САРОНИ (қундуз соат 9 ва кеч 7 да).

Адам ва Хева — САҲЪАТ САРОНИ (қундуз соат 1, 3 ва кеч 9 да), «СПУТНИК», «МОСКВА» (қундуз ва кечқурун).

Манедонча туй — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (қундуз ва кечқурун).

Нашмирдаги сеғми — НАВОИИ номидаги ўзбек тилида, қундуз соат 4,40 минутда.

Доктор Гомернинг унаси — «ДРУЖБА» (қундуз ва кечқурун).

Гузал малинам — «МОСКВА» (қундуз соат 2 да).

Вулкан биз билан — САҲЪАТ САРОНИ (эрталаб соат 11 ярим да).

## РАДИО

4 АПРЕЛЬ  
ШАҲБА  
БИРИНЧИ ПРОГРАММА  
18,00 «Йоғна оилада», Радиointервью (русча), 18,10 Янхон шоирлари Ленин ҳақида, Советлар — мамлакат ҳақида, 19,20 Нахтановлар ҳақида кўшиқлар, 20,00 «Лениннома» программаси (ўзбекча), 20,30 Шўх оҳанглар, 21,00 «Қадр» очерки (ўзбекча), 21,10 Кишлоқ меҳнатчилари учун концерт, 22,20 «Шанба оқшомида» деган концерт, 23,10 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА  
19,00 Ҳанқийа дикторлар (ўзбекча), 19,30 Янхон шоирларнинг шеърлари (русча), 20,00 Токиношот савият усталининг концерт, 20,30 Озарбайжон кўшиқлари, 20,50 Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Солиқов, «Фан ва таърифа ҳамкорлиги» (русча), 21,00 Рус революцион кўшиқлари тарихидан, 21,20 «Ленин декретига амал қилиб», «Каршистрой» бошқармаси бош инженери Н. Г. Каменев сўзи (русча), 21,40 «Нав-за ва перо билан» (татарча).

5 АПРЕЛЬ  
ЯКШАҲБА  
ГЕОЛОГЛАР КУНИ  
БИРИНЧИ ПРОГРАММА  
6,15 Тонгги концерт, 7,45 «Мактаб ва жамоатчилиги» (ўзбекча), 8,25 Геологлар учун концерт, 9,30 Шарқ кўшиқлари, 10,10 «Табассум» радиожурнали, 11,35 Ўзбек халқ кўшиқлари, 12,15 «Эрта-лабни салом!» (Москва), 13,30 «Геологлар, сизлар учун» (русча), 15,00 Геологлар кўнига бағиш, ланин аштитириш ва концерт, 17,40 Эртанги янгиликлар, 18,00 «Музикали глобус», 18,40 И. Стравинский, «Петрушка» балетидан сониға, 19,20 Ленин ҳақида кўшаймиға, 20,00 «Ештин»

МОСКВА КўРСАТАДИ  
20,15 «Новости дня», Киножурнал, 20,30 «Сизнинг фирмангиз қандай?», 21,00 Янгиликлар, 21,05 Ярим аср илхомиса, Кўп серияли телевизион кўшаймиға, 21,30 «1930 йил», 22,00 «Аниқча», Бадий фильм, 23,30 Социализм дуниси, 24,00 КВН — 70, 02,00 Стол теннис бўйича Европа чемпионати, 02,45 Москва кўрсатуларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА  
ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ  
Ўзбек тилида: 20,15 «Ўрмуш ва маданият» программаси, 20,55 «Мангуликнинг би қуни», Телефильм, 21,25 Венгрия Халқ Республикасининг миллий байрами, Немто-фашист босқинчиларидан озод бўлган кўннинг 25 йиллиги бағишланган аштитириш.

15 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлими, рининг физика бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Обсерватория кўчаси, 85 уй) да физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Т. У. Орипов: «Лазер нури таъсирида нишоннинг плазма эмиссияси ва ультраабнафш нурланшини ўрганиш» деган темада;

Т. Ю. Мусаёнов: «Сегнетоэлектрик ярим ўтказкичларда ва диэлектрикларда ҳажмининг зарядининг баъзи бир ҳодисалари ҳақида» деган темада;

ДИССЕРТАЦИЯ  
ЕҚЛАЙДИЛАР  
Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тунаев кўчаси, 1 уйда) танишиш мумкин.

Ўзбекистон ССР озиқ овқат саноати Министрлиги МАРКАЗИЙ КОНСТРУКТОРЛИК — ТЕХНОЛОК БЮРОСИГА  
лойдха ишларида ишлаш учун инженерлар; етакчи ва бош конструктор лавозимига курувчилар, генплан ва вертикаль планлаштириш бўйича, пиво тайёрлаш, консерваллаш, виночиллик, ег.мой саноати технологиялари гурупа раҳбарлари ва бош конструктор лавозимига: элентричлар; смета бўлими бошлиғи ва ишбай меҳнат ҳақи сметачилари, техника-интисоддага асосланган бўлим бошлиғи лавозимига интисодчилар, машинистлар (меҳнат ҳақи-ишбай), график — расмоллар, «ЭРЕ» машинасига оператор — элентрограф

КЕРАК  
Мурожаат учун адрес: Тошкент — 27, Ўзбекистон кўчаси, 30 «а» уй (1, 4, 15, 18 трамвайлар, 12, 34, 38, 48, 69 автобусларнинг «Гагарин боғи» бекати).

15 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлими, ларининг механика-математика мутахассислиги бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Астрономия кўчаси, 33 уйда) физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Э. А. Сананулов: «Кўчма пассажир асбоби билан куватли орқали 284 та юлдузнинг тўғри чиқиш масофаси жадалини тузиш» деган темада;

Т. М. Абдуллаев: «Ички компонентли изотроп муҳитда тўлқин тарқалишини кузатиш» деган темада;

ДИССЕРТАЦИЯ  
ЕҚЛАЙДИЛАР  
Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тунаев кўчаси, 1 уйда) танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИГА  
дурадгорлар, станочниклар, прессчилар, шифтовачилар, пардозчилар, металл бўйича токарлар, газ-элентр пайвандинлар, юорнда нўрсатилган мутахассисликлар билан шогирдлар, усуналар ремонтчи бўйича слесарлар, машинистна, натта бухгалтер

КЕРАК  
Хизмат нўрсатиш автобуси: ЧИЛОНЗОРДАН, XXII-ПАРТСЪЕЗДДАН, РЕВОЛЮЦИЯ ХИЕБОНИДАН — «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИГА ҚАТНАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Магазин-Мавзук кўчаси, 254 уй (10, 14, 43, 36 автобуслар, 7, 10 троллейбусларнинг «Трантор-Янгув» заводи» бекати).

16 апрель кундуз соат 2 яримда, В. И. Ленин номида Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, Бош корпус, Г.303 аудитория) да физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. М. Халфина: «Катта ва кичик каноник ансамблларнинг эквивалентлиги, энергия ва зарралар соми учун марказий лимит теоремалар» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ  
ЕҚЛАЙДИ  
Диссертация билан университетнинг илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4 уйда) танишиш мумкин.

Техника бўлими бошлиғи (темир — бетон конструкциясини ишлаб — чиқариш бўйича технолог) таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари, темир — бетон ва ёғочозили бўйича инженер-технологлар, мастерлар; транспорт цехига, темир — бетон ва ёғочозили цехига: техника бўлими бошлиғига ўринбосар, юрист, ботончилар, арматурачилар, ёғочозили цехига станоччилар, металлани қайта ишлаш ва усуналар ремонтчи бўйича слесарлар, турниш лабораториясига инженер, натта товаршунос

КЕРАК  
Мурожаат учун адрес: Тошкент-5, Куйбишев шоссе-си, 23 (35 уй) 5, 7, 12, 22, 26, 55, 102 автобусларнинг «Ўзбум» бекати.